



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI
MINISTRY OF JUSTICE OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

100000, Toshkent shahri, Sayilgoh ko'chasi, 5-uy, tel.: (998 71) 207 04 43,
www.minjust.uz, el. pochta: info@adliya.uz, minjust@exat.uz



2021 йил 8 июнь 1/16-14-377/8-сон

Юридик таълим ва суд-экспертиза
фаолиятини мувофиқлаштириш
бошқармаси
Молия-иқтисод бошқармаси
Жамоатчилик билан
алоқалар бўлими
Адлия органлари ва муассасалари
(рўйхат бўйича)

Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2021 йил 4 июндаги 182-ум-сон “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг юридик техникумлари ўқувчилари учун Адлия вазирлиги стипендиясини таъсис этиш тўғрисида”ги буйруғи ижро учун юборилмоқда.

Мазкур буйруқда белгиланган вазифалар ижросини ўз вақтида ва сифатли таъминлашингиз ҳамда амалга оширилган ишлар бўйича тегишли маълумотларни “**av.ijro.uz**” электрон ахборот алмашинуви тизимига киритиб боришингиз сўралади.

Илова: 3 варақда (электрон шаклда).

Ташкилий-назорат ва таҳлил
бошқармаси бошлиғи

А.Буриев





**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRINING
BUYRUG'I**

2021 йил “ 4 ” июнь

182-ум-сон

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг юридик
техникумлари ўқувчилари учун Адлия вазирлиги стипендиясини
таъсис этиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 апрелдаги ПФ–5987-сон “Ўзбекистон Республикасида юридик таълим ва фанни тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги юридик техникумларининг иқтидорли ўқувчиларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида

Б У Ю Р А М А Н :

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 апрелдаги ПФ–5987-сон “Ўзбекистон Республикасида юридик таълим ва фанни тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони билан Адлия вазирлигига адлия органлари ва муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан вазирлик тизимидаги таълим муассасалари иқтидорли талабаларига (ўқувчиларига) стипендиялар ва грантлар ажратиш ваколати берилганлиги инобатга олинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги юридик техникумлари (кейинги ўринларда – юридик техникумлар) ўқувчилари учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги стипендияси (кейинги ўринларда – Вазирлик стипендияси) таъсис этилсин.

3. Вазирлик стипендияси академик ўзлаштириш кўрсаткичи энг юқори бўлган иқтидорли ўқувчиларга тақдим этилиши белгилаб қўйилсин.

4. Вазирлик стипендияси кундузги таълим шаклида ҳар бир юридик техникумларнинг 2-босқичида ўқийдиган, таълим тилидан қатъи назар энг юқори кўрсаткичларга эришган беш нафар ўқувчига (номзодларнинг ўзлаштириш кўрсаткичи бир ҳил бўлган тақдирда уларнинг сонига ўзгартиришлар киритилиши мумкин) тақдим этилади.

5. Вазирлик стипендияси соҳиблари ҳар йили бир мартаба август ойининг охиригى ўн кунлигида аниқланади.

6. Вазирлик стипендиясини тайинлаш учун Қорақалпоғистон Республикаси адлия вазири ўринбосари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари бошлиқлари ўринбосарлари – юридик техникумлар директорлари номидан Адлия вазирлигига ўқувчиларнинг ўзлаштириш кўрсаткичлари ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган тақдимнома киритилади ва мазкур тақдимнома асосида Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг буйруғи қабул қилинади.

7. Вазирлик стипендияси бюджетдан ташқари адлия органлари ва муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баравари миқдорида тайинланади ва стипендия соҳибларига бир ўқув йили учун, 1 сентябрдан бошлаб, ўқув йили якунига қадар ойма-ой тўлаб берилади.

8. Вазирлик стипендияси соҳиблари ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллиги байрами арафасида эълон қилинади ҳамда уларга мазкур буйруқнинг иловасига мувофиқ шаклдаги гувоҳномалар тантанали тарзда топширилади.

9. Вазирлик стипендияси совриндори бўлган ўқувчилар маънавий-маърифий, жамоат ишларида фаол бўлиши, илмий-ижодий фаолият билан шуғулланиши ҳамда аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, адлия органлари ва муассасалари томонидан ўтказилаётган лойиҳаларда фаол иштирок этиши зарурлиғи белгилаб ўтилсин.

10. Юридик таълим ва суд-экспертиза фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси (Ш. Рабиев) ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси адлия вазири ўринбосари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари бошлиқлари ўринбосарлари – юридик техникумлар директорлари билан биргаликда:

Вазирлик стипендияси ҳамда унда иштирок этиш тартиби бўйича барча юридик техникумлар ўқувчиларини хабардор қилсин;

Вазирлик стипендияси соҳибларини аниқлаш жараёнини адолатли ва шаффоф тарзда ўтказилишини таъминласин;

Вазирлик стипендиясини қўлга киритган ўқувчилар билан тизимли ишларни амалга ошириш, уларни Адлия органлари ва муассасаларида жамоатчилик ишларида кўнгилли асосда фаолият юритиши бўйича зарур чора-тадбирларни амалга оширсин;

Вазирлик стипендиясини қўлга киритган ўқувчиларга белгиланган шаклдаги гувоҳномаларни тантанали тарзда топшириш чораларини кўрсин.

11. Жамоатчилик билан алоқалар бўлими (С. Уринбаева) мазкур жараён бўйича жамоатчиликни хабардор қилган ҳолда, Вазирлик стипендиясини қўлга киритган ўқувчиларга гувоҳномаларни тантанали тарзда топшириш жараёнини ОАВ ҳамда ижтимоий тармоқлар орқали кенг ёритиш чораларини кўрсин.

12. Молия-иқтисод бошқармаси (Т. Бекбутаев) Вазирлик стипендияси соҳибларига бюджетдан ташқари Адлия органлари ва муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан тегишли маблағлар тўлиқ қопланишини таъминласин.

13. Ташкилий-назорат ва таҳлил бошқармаси (А. Буриев) мазкур буйруқни вазирликнинг манфаатдор бўлинмаларига етказсин.

14. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари А. Ташкулов зиммасига юклансин.

Вазир

Тошкент шаҳри



Р. Давлетов